

Роббингизга тақво қилинг



17:04 / 16.02.2018 3964

Эй одамлар! Роббингизга тақво қилинг ва ота боласига фойда бера олмайдиган, бола отасига бирор нарсада фойда берувчи бўлмайдиган Кундан қўрқинг. Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Бас, дунё ҳаёти сизни алдаб қўймасин. Ўта алдоқчи сизни Аллоҳ хусусида алдаб қўймасин.

Суранинг аввалидан зикр этиб келинаётган куфр, ширк ва залолат йўлларига тушиб қолмаслик учун Аллоҳ таолога тақво қилиш ва қиёмат кунидан қўрқиб яшаш керак.

«Эй одамлар! Роббингизга тақво қилинг...»

Бу дунё ва у дунё учун энг зарур зоду роҳила тақводир. Тақво бўлмаса, ҳеч бир яхши натижани умид қилиб бўлмайди. Роббул олабийнга тақво қилиш ҳар бир одамнинг инсонийлик бурчидир. Аллоҳга тақво қилмаган одам ҳеч бир ёмонликдан қайтмайди. Аксинча, Аллоҳга тақво қилган одам ҳеч бир ёмонликка қўл урмайди.

«...ва ота боласига фойда бера олмайдиган, бола отасига бирор нарсада фойда берувчи бўлмайдиган Кундан қўрқинг».

Бу Кун қиёмат кунидир. У кунда инсонлар орасидаги боғланишлар, алоқалар кесилади. Ҳар ким ўзи учун жавоб беради. Бировнинг бировга фойдаси тегмайди. Ҳатто ота болага, бола отага фойда бера олмай қолади. У Кунда бирдан-бир фойда берадиган нарса иймон ва яхши амал бўлади. Ана ўшандай Кундан қўрқиш барча одамларнинг одамийлик бурчидир. Қиёмат кундан қўрққан одамгина барча ёмонликлардан қайтади. Аксинча, қиёмат кундан қўрқмайдиган одам ҳеч қандай ёмонликдан қайтмайди.

«Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир».

У ваъдасига хилоф ҳам қилмайди, кечга ҳам сурмайди. Демак, қиёмат қоим бўлиши ҳақ. Инсонларнинг қайта тирилиши ҳақ. Маҳшарга тўпланиши ҳақ. Заррача яхшию ёмон амаллар ҳам адолат тарозиси ила тортилиши ҳақ. Дақиқ ҳисоб-китоб бўлиши ҳақ. Жаннат ҳақ. Дўзах ҳақ. Кофир ва осийларнинг дўзахга киритилиши ҳақ. Мўмин ва муҳсинлар жаннатга дохил бўлиши ҳақ.

«Бас, дунё ҳаёти сизни алдаб қўймасин».

Бу дунё матоҳига алданиб қолманг. Бу дунё ҳаёти охираат экинзори, холос. Шунини унутманг.

«Ўта алдоқчи сизни Аллоҳ хусусида алдаб қўймасин».

Уламоларимиз «ўта алдоқчи»ни шайтон деб таъвил қилганлар. Дарҳақиқат, шайтон турли нарсалар билан инсонни ғурурга кетказади. У ҳатто Аллоҳ билан ҳам, яъни Аллоҳнинг марҳамати кенг, бу дунёда ўйнаб қол, деб ҳам ғурурга кетказади. Буларнинг ҳаммасидан сақланиш учун тақво ва қиёмат кундан қўрқув бўлиши керак.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Тафсири ҳилол китобидан)